бекистон Республикаси
Самарқанд вилоят
ҲОКИМИ

ХОКИМ
Самаркандской области
Республики Узбекистан

# ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

5 йил „9“ март №5І-Қ

Самарқанд вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасига терак кўчатини етказиш учун ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг І994 йил 8 февралдаги 62-рақамли, Самарқанд вилоят ҳокимининг І994 йил 25 февралдаги 362-қ рақамли "Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорлар барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларини бажариш мақсадида қуйидаги туман ҳокимларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

І.Оқдарё, Булунғур, Гўзалкент, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи, Паст Дарғом, Пайариқ, Челак, Нуробод, Самарқанд, Ургут, Тайлоқ туман ҳокимларининг Самарқанд вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасига терак кўчатини етказиш учун ер ажратиш тўғрисидаги қабул қилган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2.Самарқанд вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси /Р.Абдуллаев/ га ажратилган ерни ўз вақтида берилган мақсадда фойдаланиш топширилсин.

3.Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.О.Қаландаровга топширилсин.

Вилоят ҳокими П.М.Абдураҳмонов

г. Самарканд тип. им. Морозова — 3399 – 10000